

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PHD 03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛМАНОВ ҚАҲРАМОН ОБЛОҚУЛОВИЧ

ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА УСТРУШОНА

07.00.01 - Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши - 2021

Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Contents of the abstract of the doctoral (PhD) dissertation

Алманов Қахрамон Облоқулович Ғарбий Турк хоқонлиги даврида Уструшона.....	3
Алманов Қахрамон Облоқулович Уструшана в период Западно-Тюркского каганата.....	25
Almanov Kahramon Oblokulovich Ustrushana in the period of the Western Turkish Khanate.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publications.....	51

**ҚАРШИДАВЛАТУНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PHD 03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛМАНОВ ҚАХРАМОН ОБЛОҚУЛОВИЧ

ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА УСТРУШОНА

07.00.01-Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tar797 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бобоёров Ғайбулла Боллиевич
тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Пардаев Мухтор Ҳасанович
тарих фанлари номзоди, доцент

Хушвақтов Наби Олимович
тарих фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/27.02.2021. Таг.70.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б. Ж. Эшов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
т.ф.д. профессор

Н.Н. Ражабова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.н.

Ю.А. Эргашева

Илмий даражалар берувчи
илмий Кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон номадология (кўчманчишунослик) ва маданий антропология йўналишларида Шимолий Африка саҳроси ва Америка прериялари сингари Евросиё худудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларига бугунги кунда катта эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан, иқтисодий негизи кўпроқ кўчманчи чорвадорлар дунёсига бориб туташувчи Турк хоқонлиги (552-744) тарихи дунё номадолог олимларининг диққат мараказида турибди. Илк ўрта асрларда минтақада юз берган сиёсий ва этник жараёнлар маҳсули бўлмиш ушбу хоқонлик Евросиё худуди тарихида муҳим ўрин эгалламоқда. Жаҳондаги, хусусан, Европадаги етакчи марказлар томонидан илк ўрта асрлар, хусусан, хоқонлик даври тарихи махсус ўрганиб келинаётгани буни тасдиқлаб турибди.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларидаги илмий-тадқиқот муассасаларида ва жаҳоннинг етакчи илмий марказларида Турк хоқонлиги, унинг Ғарбий қаноти (Ғарбий Турк хоқонлиги) тарихи муаммоларни, хусусан, мазкур хоқонлик даврида Уструшонадаги бошқарув тизими, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, танга-пул тизими, этномаданий жараёнлар, дипломатия ва савдо алоқалари, мазкур худуд тарихида бу хоқонликнинг ўрни мавзуларини ўрганишга жиддий илмий масала сифатида қаралиши ҳам мавзунинг долзарблигини белгиловчи муҳим мезонлардан биридир. Шу жиҳатдан жаҳон илмий марказларида Ғарбий Турк хоқонлиги даврида Уструшонанинг тутган аҳамиятини ёритишга ҳам жиддий эътибор берилган, бу танланган мавзунинг долзарблигини белгиловчи асосий хусусиятдир.

Ўрта Осиёда, хусусан, юртимизда тарих йўналишида яқин йилларгача олиб борилган изланишлар кўпроқ ўтроқ ва шаҳар маданиятига бағишланган бўлиб, натижада кўчманчи чорвадорлик ҳодисасига етарлича ойдинлик киритилмаган. Республикамизда сўнгги йилларда тарих фанидаги тадқиқотларни янада чуқурлаштиришга қаратилаётган чора-тадбирлар туфайли ўзбек давлатчилигининг муҳим бир босқичи бўлмиш Ғарбий Турк хоқонлигига ва шу билан бирга тарихимиздаги кўчманчи чорвадорлик феноменига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Бой тарихимиз дурдонаси бўлган маданий меросимизни асраб-авайлаб, келажак авлодлар учун безавол етказишимиз зарур. Ҳозирги вақтда уларнинг сони 7 мингдан зиёдни ташкил этади. Афсуски, кейинги пайтларда бебаҳо маданий меросимиз бўлган айрим обидаларимизга зарар етказиш ҳолатлари учраётгани бу борада эътибор сусайганидан далолат беради. Бу иш нафақат Маданият вазирлиги, балки маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчиликнинг ҳам диққат мараказида бўлиши керак»¹. Шу жиҳатдан олганда, хоқонлик даврида Уструшонадаги бошқарув тизими, ижтимоий-сиёсий ва этномаданий ҳолатни ўрганиш халқимизнинг давлатчилик тарихини ёритишда долзарблик касб этади.

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2020 yil 30-dekabr, <https://president.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2016 йил 18 июлдаги ПҚ-2562-сон “Ўзбекистон тарихи соҳасидаги тадқиқотларни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва ҳукуматнинг бошқа қарорларида белгиланган илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, халқимизнинг бой тарихи, моддий ва маданий меросини илмий ўрганиш, тарғиб қилиш ва бойитиб бориш каби вазифаларни бажаришда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий–маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғарбий Турк ҳоконлиги даврида Уструшонада мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий ва этномаданий ҳолат бўйича махсус тадқиқотлар олиб борилмаган. Фақат айрим тадқиқотчилар илк ўрта асрлар ёки исломдан аввалги минтақа тарихини ёритиш мобайнида масалага қисқача тўхталиб ўтишган.

Ғарбий Турк ҳоконлиги даврида Уструшонанинг ижтимоий-сиёсий ва этномаданий ҳаёти бўйича илк илмий изланишлар XIX асрнинг охиригача – XX аср бошларига тегишлидир. Ғарб суғдшунослигининг асосчиларидан бири В. Томашек 1877 йилда чоп этилган “Суғдиёна” номли тадқиқотида², В.В. Бартольд “Ислом энциклопедияси”га ёзган мақолаларидан бирини “Афшин” деб номланган мақоласида³ ва Э. Шаванн 1903 йилда нашр қилинган «Ғарбий Туркларга доир ҳужжатлар» номли монографиясида Уструшона тарихига ҳам бирмунча тўхталиб ўтган⁴. Кейинчалик эса Й. Маркварт Уструшонадаги маҳаллий сулола – Афшинларга анчагина эътибор қаратади⁵.

Уструшона тарихининг қадим ва илк ўрта асрлар даври тарихини синчиклаб ўрганиш XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, совет тадқиқотчилари Н. Негматов, О.И. Смирнова, В.А. Лившиц ва бошқалар

²Tomaschek W. Centralasiatische Studien, I. Sogdiana. – Wien, 1877. – P. 78.

³Бартольд В. В. Статьи из “Энциклопедии Ислама” / Сочинения. Т. II. Ч. 2. – М.: Наука, 1964. – С. 497.

⁴Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. – СПб., 1903. – P. 140.

⁵Markwart J. Wehrot und Arang. Untersuchungen zur mythischen und geschichtlichen Landeskunde von Ostiran. – Leiden, 1938; Marquart J. Eranshahr nach der Geographic des Ps. Moses Xorenaci. – Berlin, 1901.

кадимги Уструшона шаҳар қолдиқларидан топилган археологик топилмалар бўйича изланишлар олиб боришди⁶.

Мустақиллик йилларида қадимий Уструшона ҳукмдорлигининг ўтмиш тарихи моддий маданият асосида ўрганиб оммалаштиришда Ю.Ф. Буряков, А.А. Грицина, М. Исҳоқов, М.Ҳ. Пардаев, А. Бердимурдов, Ж.И. Ғофуров, З.Холбоев, Т.О. Омонжулов, С.С. Қудратов, Б.Б. Тўйчибоев, Т.У. Салимов, А.Отахўжаев, Ғ.Бобоёров, Б.Ғойибовларнинг у ёки бу даражада ҳиссаси бор. Улар орасида айниқса Ю.Ф. Буряков, А.А. Грицина, М. Пардаевларнинг археологик изланишлари анча кенг ва чуқурлиги билан ажралиб туради. Ю.Ф. Буряков Сирдарёбўйи шаҳарларини ўрганиб, Чоч ва Уструшона иқтисодий ва этномаданий алоқаларига тўхталиб ўтган⁷. Уструшонанинг қадимий бошқарув марказлари Л.М. Сверчков бошчилигида археологик экспедициялар орқали бирмунча ўрганилган⁸. А.А. Грицинанинг ўнлаб тадқиқотлари воҳадаги давлатчилик тарихига қаратилган⁹. У раҳбарлик қилган археологик гуруҳ Жиззах вилоятидаги ўнлаб йирик ёдгорликларда қазишлар олиб борган¹⁰. Суғдшунос В.А. Лившиц Самарқанд Суғди ва ундан анчагина мустақил сиёсат юргизган Панч билан Уструшона муносабатларга эътибор қаратган¹¹. Археолог М.Ҳ. Пардаев Эфталийлар ва Турк хоқонлиги бошқарувиغا бирмунча тўхталган¹². Ғарбий Турк хоқонлиги давлатчилиги тарихини ўрганган Ғ. Бобоёров хоқонлик ва Уструшона ҳам бир қатор воҳа ҳукмдорликлари каби бир неча усуллар орқали бошқарилганига урғу берган¹³. Уструшона тарихи бўйича кейинги йилларда Жиззах ва Сирдарё вилоятларида олий ўқув юртлари тарихчи мутахассислари ҳам бир қатор илмий изланишларни амалга оширмоқда¹⁴.

Уструшонанинг илк ўрта асрлар тарихини ўрганиш Марказий Осиёнинг бошқа республикаларида ҳам йўлга қўйилган бўлиб, қўшни Тожикистонда олиб борилаётган илмий изланишлар бунга яққол мисол бўла олади. Уструшона тарихи ва археологияси бўйича XX асрнинг ўрталаридан бошлаб Н.Негматов томонидан ривожлантирилган тадқиқотларни бугунги кунда

⁶Негматов Н.Н. Уструшона в VII – X вв. (по письменным и археологическим источникам). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – М.-Л., 1952; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М., 1970. – С. 9-10; Лившиц В. А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: Фил.фак., СПбГУ, 2008. – 441 с.

⁷Буряков Ю.Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. – Ташкент, 1975; Буряков Ю.Ф. Палеоэкологические и этнические процессы в контактных зонах Средней Азии в древности и средневековье // ИАС. – Seoul – Tashkent, 2003. – Vol. 8. – С. 69–82.

⁸Сверчков Л.М. Замок Мык и его округа Древний Заамин. – Ташкент, 1994.

⁹Грицина А. А. Уструшанские были. – Ташкент, 2000.

¹⁰Грицина А.А., Содиков М. Эски Ховос ва унга қўшни худудлар қадим ва ўрта асрларда. – Тошкент, 2010. – Б. 51.

¹¹Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. – М., 1962. – С. 95-96; Исҳоқов М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Суғдий тилидаги манбалар / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. – Тошкент, 2014. – Б. 61-63.

¹²Бердимуратов А.Э., Пардаев М.Х. Замок Кингиртепа // ИМКУ, вып.22. – Ташкент: Фан, 1988. – С. 67.

¹³Бобоёров Ғ. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон худудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. – Т., 2010. – Б. 18-40; Ўша муал. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. Тарих фанлари док. дисс.автореферати. – Т., 2012. – Б. 41-43.

¹⁴«Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон» Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари I-қисм. – Т., 2007; «Ўзбекистон тарихида Уструшонанинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганиш муаммоси». II-минтақавий илмий-амалий конференция материаллари. – Гулистон, 2007.

А.К.Мирбобоев, М.Раҳимов ва бошқа изланувчилар давом эттиришаётгани диққатга сазовордир¹⁵.

Бугунги кунда Уструшона воҳаси тарихи бўйича француз суғдшунос ва тарихчи олимлари Ф.Грэне, Э.де ла Вессьер¹⁶, германиялик тарихчи З.Штарк¹⁷, россиялик суғдшунос ва археолог П.Б. Лурье¹⁸ томонидан чоп этилган илмий монография ва мақолалар диққатни жалб қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Гулистон давлат университети илмий тадқиқот режаси доирасида №АИФ1/2 “Олий таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантиришда кластерли ёндашув: Гулистон давлат университети ва ишлаб чиқариш интеграцияси тизимида “Ўқув-илмий комплекс” ташкил этиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Фарбий Турк хоқонлиги томонидан Уструшонанинг бошқарилишини аниқлаш орқали кўчманчи империяларнинг ўтроқ воҳаларини бошқаришдаги сиёсий-иқтисодий стратегиясини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Фарбий Турк хоқонлигининг Уструшонани бошқаришда айнан қандай усул ва воситалардан фойдалангани масаласини таҳлил қилиш;

Уструшонада мавжуд бўлган маҳаллий бошқарув шакли, бошқарувчи сулолаларнинг келиб чиқиши масалаларни ёзма манбалар ва археологик материаллар асосида очиб бериш;

Уструшонанинг сиёсий-маъмурий тузилиши, бошқарув марказлари ва рустоқлар орасидаги муносабатларни ёритиш;

Уструшонанинг танга-пул тизимини очиб бериш;

Фарбий Турк хоқонлиги даврида Уструшонада қандай ижтимоий-сиёсий ва этномаданий муҳит устуворлик қилганлигини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарбий Турк хоқонлиги давридаги Уструшона танланган.

¹⁵Мирбабаев А.К. Амулеты Уструшаны и их семантика //Роль Истаравшана в истории цивилизаций народов Центральной Азии. –Душанбе, 2002. – С. 100-102; Рахимов Н.Т. Урбанизация средней части бассейна Сырдарьи: I тыс. до н.э. - середина II тыс. н.э. Автореф. дисс. док. ист. наук. – Душанбе, 2007; Аюбов А. Р. Роль древних культов народов Уструшаны в становлений топонимов // Тўроннома, №1, 2021. – С. 53-65.

¹⁶Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8. – Kamakura 2002. – P. 155–196; Vaissière E. de la. Sogdian traders: a history. Translated by J. Ward. (Handbook of Oriental studies = Handbuch der Orientalistik. Section eight, Central Asia; v. 10). – Leiden – Boston: Brill, 2005. – 407 p.

¹⁷Stark S. Die Alttürkenzeit in Mittel- und Zentralasien. Archäologische und historische Studien. – Wiesbaden, 2008.

¹⁸Лурье П. Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: Дис. ... канд. фил. наук. – СПб.: Санкт-Петербургский филиал ИВ РАН, 2004; Lurje P. Personal names in Sogdian texts in Iranisches Personennamenbuch 2. Mitteliranische Personennamen 8. – Wien, 2010. – P. 49, 51, 56, 76, 103, 127, 130, 138-139; Lurje P.B. The Early Medieval Martshkat (Hisorak) in Upper Matcha and its Bactrian Connections // Urban Cultures of Central Asia from the Bronze Age to the Karakhanids Learnings and conclusions from new archaeological investigations and discoveries Proceedings of the First International Congress on Central Asian Archaeology held at the University of Bern, 4–6 February 2016. Ed. by C. Baumer and M.Novák. – Wiesbaden: Harrassowitz Verlag, 2019. – P. 333-348.

Тадқиқотнинг предметини Ғарбий Турк хоқонлиги даврида Уструшонадаги ижтимоий-сиёсий ва этномаданий ҳолатни ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда типологик, солиштирма ва комплекс таҳлил, даврлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Уструшонада Ғарбий Турк хоқонлиги бошқаруви икки босқичда амалга оширилгани, илк босқичда хоқонлик бу ерни маҳаллий сулолалар воситасида назоратда тутгани, иккинчи босқичда бошқарув бевосита хоқонлик ноиблари қўлига ўтгани ёзма ва археологик маълумотлар асосида далилланган;

VII – VIII асрларда Уструшонани бошқарган Афшинлар сулоласининг этник келиб чиқиши туркий ёки ғайритуркий бўлгани масаласига аниқлик киритилиб, ушбу сулоланинг ташкил топиши Ғарбий Турк хоқонлиги билан бевосита алоқадор эканлиги ўша давр манбалари ва нумизматик топилмалар асосида исботланган;

Уструшонадаги бошқарувчи сулола вакиллариининг келиб чиқиши туркий бўлгани, Қорабўғра, Қорачўр каби ҳукмдорларнинг исм ва унвонлари ҳамда Уструшона тангаларида қадимги туркча “элтабар” унвони учраши туркий тилдаги манбалар асосида далилланган;

Хоқонлик даврида минтақада Уструшона ҳукмдорлиги – мулкчилигининг мавқеи ошгани, бу унинг қўшни ҳукмдорликлар билан сиёсий муносабатлар ўрнатганида, араб босқинига қарши узоқ йиллар кураш олиб борганида ва Хитой каби йирик салтанатлар билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйганида ўз аксини топгани ёзма ва археологик манбалар асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Уструшона воҳасининг Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан бошқарилиши масаласида бир қатор илмий янгиликлар амалга оширилиб, илмий ютуқлар қўлга киритилган. Хусусан, Уструшона воҳасининг Бунжикат, Зомин, Жиззах ва бошқа йирик сиёсий-маъмурий бошқарув марказларида хоқонликка алоқадор равишда туркий ва туркий-суғдий сулолалар бошқаруви мавжуд бўлганлиги, хоқонлик давридаги давлатчилик анъаналарининг минтақа халқларининг, жумладан, ўзбек халқи давлатчилиги такомиллашувига қўшган ҳиссаси кўрсатиб берилган;

Тадқиқотчилар орасида кўп йиллардан бери устувор бўлиб келаётган айрим тортишувли масалаларга аниқлик киритилган. Хусусан, илк ўрта асрларда Амударё – Сирдарё оралиғидаги воҳа ҳукмдорликлари – мулкликларда Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан ўзига хос бошқарув тизими ўрнатилгани Уструшона мисолида кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишнинг ҳар бир масала ёзма ва моддий манбалар билан таққослангани билан изоҳланиб, бу мавзуда амалга оширилган илмий тадқиқотлардаги фикр ва мулоҳазалар жалб қилингани, тарих фанида тан олинган усуллар ва назарий ёндашувларнинг қўлланилгани, тарихий ва археологик илмий адабиётлардан фойдаланилгани,

хулосалар ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан ўз тасдиғини топган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тарих фанининг этногенез ва ўзбек халқининг этник тарихи, Илк ўрта асрлар даври тарихи, Тарихий география, Динлар тарихи соҳаларидаги фанлараро янгича ёндашувлар ва илмий йўналишларни яратиш вазифаларини амалга ошириш ҳамда қадимги тарихга оид илмий-назарий, қиёсий таҳлил ва умумлаштириш услубларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бакалавр-тарихчи талабалар учун “Ўзбекистон тарихи”, “Тарихий ўлкашунослик ва урбанизация жараёнлари”, “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи” фанлари, “Буюк ипак йўли ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни”, “Ўрта Осиёда ислом маданиятининг ривожланиш тарихи” махсус курслари ҳамда магистратура босқичи “Ўзбекистон тарихи” мутахассислиги бўйича “Ўрта Осиё қадимги вилоятларининг тарихий топографияси” фанидан маърузалар ўқишда ва амалий машғулотлар ўтишда ва ўқув қўлланмалари ва дарсликларни яратишда кенг фойдаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги Фарбий Турк хоқонлигининг Уструшондаги бошқарувини тадқиқ қилиш жараёнида эришилган натижалар асосида:

VII – VIII асрларда Уструшонани бошқарган Афшинлар сулоласининг этник келиб чиқиши туркий ёки ғайритуркий бўлгани масаласига аниқлик киритилиб, ушбу сулоланинг ташкил топиши Фарбий Турк хоқонлиги билан бевосита алоқадор эканлиги ўша давр манбалари ва нумизматик топилмалар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 43-07 сонли қарор дастурининг VIII боб “Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга доир тадбирлар” йўналиши доирасида “Миллий ва тарихий онг маънавий қадрият сифатида” ўтказилган тарғибот ишларида диссертация маълумотларидан фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 07 апрелдаги 02/07-343-сон маълумотномаси). Натижада Фарбий Турк хоқонлиги даврида Уструшонанинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини асослаш ва бу жараённинг ижтимоий омилларини кўрсатиб бериш имконини берган;

илк ўрта асрлардаги этномаданий муносабатларнинг давлатчилик, шаҳарлар тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётга таъсири ва бу ҳолатнинг санъат ва бадиий ҳунармандчиликда ўз аксини топганлигига оид илмий хулосаларидан Сирдарё вилояти ўлкашунослик давлат музейидаги тангашунослик маълумотлари, археологик топилмалар, ўзаро этномаданий алоқалар ва миграция жараёнларини тасдиқловчи маълумотлар музейнинг экспозициясида намойиш этилмоқда (Ўзбекистон Республикаси маданият

вазирлигининг 2021 йил 24 майдаги 04-12-10-2575-сон маълумотномаси). Натижада илк ўрта асрлар даври Ўзбекистон тарихида Ғарбий турк хоқонлиги давридаги Уструшонанинг тутган ўрни бўйича маҳаллий ва хорижий ташриф буюрувчиларга янги маълумотлар бериш имконини берган;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги “Ўзбекистон тарихи” каналида Уструшона воҳасининг Ғарбий Турк хоқонли давридаги тарихини ёритишда, қадимги ва ўрта асрлар даври археологик ёдгорликлар ва моддий маданиятини тадқиқ қилиш жараёнига аниқланган янгиликлардан фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телеканали давлат унитар корхонасининг 2021 йил 12 февралдаги 02-40-216 – сон маълумотномаси). Натижада суғдий ва туркий давлатчилик анъаналари, уларнинг ўзаро таъсири тўғрисида тушунчалар ҳосил бўлишида ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуман ва семинарларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий иш чоп этилган. Шулардан ЎЗР ОАК томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 та республика ва 1 та хорижий журналларида чоп этилган. 7 та мақола тўпламлардаги илмий тезис ҳамда мақолаларда ўз аксини топган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган ушбу илмий тадқиқот иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар ҳамда шартли қисқартмалар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 121 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилингани, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Илк ўрта асрларда Уструшона тарихининг манбашунослиги ва тарихшунослиги”** деб номланган. Унинг *“Илк ўрта асрлар даври ёзма ва археологик манбаларида Уструшона”* биринчи параграфидан мавзунинг манбалари кўриб чиқилган. Илк ўрта асрлар Уструшона тарихи “Бэй-ши”, “Суй-шу”, “Тан-шу” каби хитой йилномалари ва Сюан Цзан (629-645), Хой Чао (726) сингари сайёҳларнинг эсдаликлари

орқали етиб келган¹⁹. “Цао”, “Суйдуйишана” номлари остида тилга олинган Уструшона тарихини ўрганиш учун хитой манбаларининг ўрни анча юқори бўлиб, улар асосида бу ернинг географик жойлашуви, чегараси, қўшнилари, бошқарув маркази, сулола ва ҳукмдорлар, уларнинг исм ва унвонлари, бошқарув йиллари хронологияси, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий аҳволи тўғрисида бирмунча тасаввурга эга бўлиш мумкин. Уструшона бўйича унинг араб босқини арафасидаги сиёсий аҳволи борасидаги маълумотлар нисбатан кўпроқ араб-форс тилли манбаларда сақланиб қолган. Улар орасида Абу Жаъфар ат-Табарийнинг “Тарихи ар-русул ва-л-мулк” асари алоҳида ажралиб туради²⁰. Уструшонадаги шаҳар ва шунга ўхшаш йирик аҳоли масканлари бўйича нисбатан тўлақонли маълумотлар эса IX-XII асрларда Ўрта Осиёга келган Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий каби араб-форс географларининг маълумотлари асқотади²¹. Шунингдек, муаллифи аниқланмаган “Худуд ул-олам” асарида ҳам Уструшонанинг бошқарув марказлари, шаҳар ва рустоқларига тегишли кимматли маълумотлар учрайди²².

Суғдий тилли ёзма ёдгорликлар эса, гарчи анча қисқа бўлса-да, Уструшона тарихини, бу ердаги ёзув маданияти тарихини ўрганишда айрича аҳамиятга эга. Уструшонанинг ён қўшниси бўлган Панч (Панжикент) муҳитида яратилган ва манбашунослар томонидан “Муғ тоғи суғдий хужжатлари”, деб юритилаётган ёзма ёдгорликлар VIII аср илк ўн йилликларига тегишли бўлиб, улардан айримларида Уструшонага тўғридан-тўғри ёки билвосита боғлиқ маълумотлар ўрин олган. Шунингдек, қадимги Уструшона худудидан топилган ва манбашунослар томонидан “Чилхужра суғдий ёзма ёдгорликлари” деб юритиладиган топилмалар ҳам бу ернинг маданияти ва ижтимоий ҳаёти бўйича муайян тасаввурлар беради²³.

Илк ўрта асрлар Уструшонаси тарихини ёритишда ёрдам берувчи манбалар орасида бу даврга тегишли сарой деворий расмлари, сопол ва металл буюмлар, қурол-яроғлар, ҳайкалчалар, уй-рузғор буюмлари, иш қуроллари ва бошқалар алоҳида аҳамиятга эга. Шаҳристон сарой деворий расмларидаги тасвирларга таяниб бу даврда Уструшонадаги маданий-

¹⁹Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Том II. – М. - Л.: Изд. АН СССР, 1950. – 335 с.; Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. – СПб., 1903. – 378 р.; Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск, 1989. – 431 с.; Таşağıl A. Gök-Türkler. II. – Ankara, 1999. – 128 s.; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. – Hacettepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü. – Ankara, 2003. – 295 s.; Хўжаев А., Хўжаев К. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. – Тошкент, 2001. – 39 с.

²⁰История ат-Табари. Избранные отрывки (Перевод с арабского В. И. Беляева. Дополнения к переводу О. Г. Большакова и А. Б. Халидова). – Ташкент, 1987. – 441 с.

²¹Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. Т. 1. – М., 1963. – С. 221-226; al-Istakhri, Abu Ishak al-Farisi. Viaeregnorum. Ed. M. J. de Goeje. BGA. Pars 1. – Lugduni-Batavorum: E. J. Brill, 1967; al-Moqaddasi, Abu Abdallah Mohammad ibn Ahmad Shamsaddin, Descriptio Imperii moslemici, ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 3. Lugduni-Batavorum, 1967; «Материалы по истории киргизов и Киргизии». Вып. 1. – М., 1973. – 280 с.

²²Худуд ул-олам (Мовароуннахр тавсифи). Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи О. Бўриев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 64 б.

²³Лившиц В.А., Пулодов У. Хуччатҳои Чилхужра // Садои Шарқ, №10. – Душанбе, 1966; Лившиц В. А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: Фил.фак. СПбГУ, 2008. – 414 с.

маиший ҳаёт, этник аҳвол тўғрисида тасаввурларга эга бўлиш мумкин²⁴. Уларда кўпроқ суғдий ва туркий элатлар вакиллари тасвири учраши ёзма манбаларда Уструшона аҳолисининг этник таркиби тўғрисида берилган маълумотларни тўлдиради²⁵. VII–VIII асрларга тегишли суғдий ёзувли Уструшона тангалари ўзининг ясашиш техникаси, тасвирлар ва акс эттирган унвонлари билан ўша даврдаги бошқа қўшни ҳукмдорликлардан анчагина ажралиб туради²⁶.

Қадимги Уструшонанинг текислик қисмида жойлашган бугунги Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ва Тожикистоннинг Хўжанд (бугунги Суғд) вилоятида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида бу даврга оид шаҳар қолдиқлари, ўша даврда ёзма манбаларда тилга олинган ўнлаб шаҳар ва йирик аҳоли масканларининг ўрни аниқланган бўлиб, қазишмаларда кўплаб сопол ва металл буюмлар, нумизматик материаллар қўлга киритилган. Уструшона тарихини археологик материаллар бўйича ўрганиш XIX асрнинг 70- йилларидан бошланган бўлиб, бугунги кунгача давом этиб келади²⁷.

Биринчи бобнинг “*Илк ўрта асрларда Уструшона тарихининг ўрганилиши*” деб номланган иккинчи параграфида мавзунинг тарихшунослик қисми ўрганилган. Уструшонанинг ижтимоий-сиёсий ва этномаданий ҳаёти бўйича илк илмий изланишлар XIX аср охири чораги – XX аср бошларига тегишли бўлиб, улар орасида рус шарқшунос, ўлкашунос, тарихчи ва археологлари В. Томашек, В.В. Бартольд, Э. Шаванн, Й. Маркварт изланишларида айрим ўринларда Уструшона тарихига тўхталиб ўтилган. В. Томашек 1877 йилда чоп этилган “Суғдиёна” номли тадқиқотида Суғд ҳукмдори Ғуракнинг келиб чиқишини Уструшона билан боғлаб, у Уструшона афшинларининг тоғаси бўлган деб қарайди²⁸. Бироқ ўз вақтида бир қатор эътирозларга сабаб бўлган²⁹ бу қараш қарийб 150 йил ўтибдики, ўз тарафдорини унчалик топганича йўқ. В.В. Бартольд “Ислом энциклопедияси”га ёзган мақолаларидан бирини “Афшин” деб номлаб, ушбу атама исломдан олдинги Уструшона ҳукмдорларининг унвони бўлгани, сўнгги Уструшона афшини Ҳайдар ибн Ковус ҳаётини ёритади³⁰. Э. Шаванн 1903 йилда нашр қилинган «Ғарбий Туркларга доир хужжатлар» номли монографиясида Уструшона тарихига ҳам бирмунча тўхталиб ўтган³¹. Хитой йилномаларида кўп ҳолларда “Цао” ёки “Шарқий Цао” атамалари остида

²⁴ Негматов Н.Н. О живописи дворца афшинов Уструшаны (предварительные сообщение // Советская археология, №3. – М., 1973.

²⁵ Негматов Н.Н. Уструшана в VII – X вв. (по письменных и археологических источников). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – М.-Л., 1952; Грицина А. А. Уструшанские были. – Ташкент, 2000. – ; Грицина А.А. Археологические памятники Сырдаринской области. – Ташкент, 1992. – 70 с.

²⁶ Смирнова О. И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М., Наука, 1981. – С. 324-335.

²⁷ Гайдукевич В.Ф. Работы Фархадской археологической экспедиции Узбекистана в 1943-1944 гг. (Предварительное сообщение) // КСИИМК. Вып. XIV. – М., 1947; Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннего средневековья. – Сталинабад, 1957; Сверчков Л.М. Замок Мык и его округа Древний Заамин. – Ташкент, 1994; Бердимуратов А., Пардаев М. Раскопки верхнего здания Алмантепа// ИМКУ. Вып. 23. – Ташкент, 1990; Грицина А.А. Археологические памятники Сырдаринской области. – Т.: «Фан», 1992 ва б.

²⁸ Tomaschek W. Centralasiatische Studien, I. Sogdiana. – Wien, 1877. – P. 78.

²⁹ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М., 1970. – С. 54.

³⁰ Бартольд В. В. Статьи из “Энциклопедии Ислама” / Сочинения. Т. II. Ч. 2. – М.: Наука, 1964. – С. 497.

³¹ Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux ..., p. 140.

келган ҳукмдорлик номининг Уструшонага алоқадор эканига тўхталган ушбу тадқиқотчи ҳоконлик томонидан Уструшона ва унга ўхшаш ўнлаб воҳа ҳукмдорликларида йўлга қўйилган бошқарув масаласини ҳам қисқача кўриб чиққан. Й.Маркварт ўзининг бир қатор илмий ишларида минтақадаги Эфталитлар ва Турк ҳоконлиги каби йирик салтанатлар тарихини ёритар экан, Амударё – Сирдарё оралиғидаги тарихий географик вилоятларнинг сиёсий ва маъмурий ҳолати, бу ердаги катта-кичик ҳукмдорликларнинг бошқарувчи сулолалари, унвонлар тизими масаласини кўриб чиқиб, Уструшонадаги маҳаллий сулола – Афшинларга анчагина эътибор қаратади³².

Уструшона тарихининг қадим ва илк ўрта асрлар даври тарихини синчиклаб ўрганиш XX аср иккинчи ярмига тўғри келади. Бу даврда совет шарқшунос, археолог, манбашунос каби тарихчилар, шунингдек, филолог тилшунос олимлар, шу жумладан, Н.Негматов, О.И. Смирнова, В.А. Лившиц, А.А. Фрейман ва бошқалар қадимги Уструшона шаҳар қолдиқларидан топилган археологик топилмалар бўйича изланишлар олиб боришди. 1950-йилларда Суғд-тожик археологик экспедицияси қадимги Бунжикат шаҳри қолдиқлари – Шаҳристонда деворий расмларни очишган бўлса, 1962 йилда илк бор суғдий ёзувли ҳужжат топиб ўрганилди³³. Н. Негматов ўнлаб йирик археологик объектларда қазув ишлари юритиб, қўлга киритилган моддий материаллар ва ёзма манба маълумотлари асосида воҳанинг қадим ва илк ўрта асрлар даврини ёритиб бера олди³⁴. Турк ҳоконлиги даврида Уструшона сиёсий тарихи бўйича суғдшунос ва археолог олима О.И. Смирнова илк ўрта асрларда Уструшонани бошқарган ҳукмдорларнинг исм ва унвонлари ҳамда бошқарув йиллари хронологиясини тузиб чиқади. У ҳоконлик даврида Уструшонадаги туркий бошқарувчилар, хусусан, Харабуғра ва *Гэло-пуло* исмларининг асли Қора-бўғра эканини ёзиб, унинг 720-740 йилларда Уструшонада бошқарувда бўлганини олға суради³⁵.

Мустақиллик йилларида қадимий Уструшона ҳукмдорлигининг ўтмиш тарихи моддий маданият асосида ўрганиб оммалаштиришда Ю.Ф. Буряков, А.А. Грицина, М.Исҳоқов, М.Х. Пардаев, А.Бердимурдов, З.Холбоев, Т.О.Омонжулов, С.С. Қудратов, Б.Б. Тўйчибоев, Т.У. Салимов, М.М. Исҳоқов, А. Отахўжаев, Ғ. Бобоёров, Б. Ғойибовларнинг у ёки бу даражада ҳиссаси бор. Улар орасида айниқса Ю.Ф. Буряков, А.А. Грицина, М.Пардаевларнинг археологик изланишлари анча кенг ва чуқурлиги билан ажралиб туради. Уструшонанинг қадимий бошқарув марказларидан бири бўлган Зоминдаги ёдгорликларда Л.М. Сверчков бошчилигида олиб борилган қазималар натижасидабу ерда исломдан олдинги даврларда бир неча аҳоли маскани мавжуд бўлгани ва улар воҳанинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзига хос ўрин

³²Markwart J. Wehrot und Arang. Untersuchungen zur mythischen und geschichtlichen Landeskunde von Ostiran. – Leiden, 1938. – 202 s.; Marquart J. Eranshahr nach der Geographic des Ps. Moses Xorenci. – Berlin, 1901.- 378 s.

³³Смирнова О.И. Очерки из истории Согда ..., с. 9-10.

³⁴Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннего средневековья. – Сталинабад. 1957; Негматов Н.Н. О живописи дворца афшинов Уструшаны (предварительные сообщение // Советская археология, №3. – М., 1973.

³⁵Смирнова О.И. Очерки из истории ..., с. 278-280; Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских ..., с. 425, 428.

тутгани кўрсатиб берилган³⁶. А.А. Грицинанинг ўнлаб тадқиқотлари воҳадаги давлатчилик тарихига қаратилган. Воҳа тарихини археологик қазишмаларда кўлга киритилган моддий буюмлар, нумизматик материаллар ва ёзма манбалар асосида ўрганиб келаётган тадқиқотчи исломдан олдинги даврда Уструшона ҳукмдорлари, Афшинлар сулоласининг келиб чиқиши масалалари бўйича ўз қарашларини билдирган³⁷. У раҳбарлик қилган археологик гуруҳ Зоминда Азлартепа, Қўштепа, Оқтепа, Хитойтепа ва Жартепада қазишлар олиб борди. 1995 йилгача улар томонидан Пишағорсой ҳавзасида ўрта асрларга оид 31 та зич жойлашган ёдгорликлар аниқланди³⁸.

Панжикент суғдий ҳужжатлари бўйича изланишлар олиб борган В.А. Лившиц Самарқанд Суғди ва ундан анчагина мустақил сиёсат юргизган Панч билан Уструшона муносабатларини ёритадиган бир ҳужжатга эътибор қаратган. Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари орасида А-9 деб юритиладиган ҳужжатда Уструшан, Шавкат, Буттаман, Парғар каби жой номлари учраб, ҳужжат мазмунидан уларнинг бир қисми Уструшонага, бир қисми Панчга тегишли тоғлик мавзелар экани англашилади³⁹. Араб-форс географлари асарларида Дизак (Жиззах) Уструшонада Бунжикат ва Зоминдан кейинги йирик шаҳар экани айтиб ўтилади⁴⁰. Бу шаҳарнинг қолдиқлари бугунги кундаги Қалиятепа ёдгорлигига тўғри келади⁴¹. Уструшона тарихини анча йиллардан ўрганиб келаётган археолог М.Қ. Пардаевга кўра, “Қалиятепа атрофидаги қишлоқ маконларнинг аксарияти “буюк кўчиш даври”дан кейин, асосан Эфталлийлар ва Турк хоқонлиги даврида бунёд этилган”⁴².

Ғарбий Турк хоқонлиги тарихини ўрганиб келаётган Ғ.Бобоёров хоқонлик ва унинг вассаллари ўртасидаги ўзаро муносабатларини кўриб чиқиб, хоқонлик Уструшонадаги бошқаруви бир неча босқични ўз ичига олиб, бошланғичда хоқонлик бошқа тобе ҳукмдорликларга кўллаганидек, бу ернинг бошқарувиغا ҳам тўғридан-тўғри аралашмаган, маҳаллий сулолалар ўз ўрнида қолдирилиб, улардан ўлпон олиш билан чекланилган. Бироқ йиллар ўтиб хоқонлик ўз вассалларини бошқаришда бир қатор усул ва воситаларни ишлаб чиқиб, бир неча ҳукмдорликда ерли сулолаларни ағдариб ташлаб, ўрнига Ашина хонадони вакилларини ёки бошқа бирор иттифоқдош уруғ вакилини ноиб ўлароқ тайинлай бошлаган, шу тариқа Уструшонда ҳам туркий сулола бошқаруви ўрнатилган⁴³.

Бугунги кунда Уструшона воҳаси тарихи бўйича нисбатан оз бўлса-да, Ўрта Осиёнинг исломдан олдинги тарихи бўйича амалга оширилаётган

³⁶Сверчков Л.М. Замок Мык и его округа // Древний Заамин. – Т., 1994.

³⁷Грицина А. А. Уструшанские были. – Ташкент, 2000.

³⁸Грицина А.А., Содиков М. Эски Ховос ва унга кўшни худудлар қадим ва ўрта асрларда. – Тошкент, 2010. – Б. 51.

³⁹Согдийские документы с горы Муг..., II, с. 95-96.

⁴⁰Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. Т. 1. – М., 1963. – С. 223-226.

⁴¹Пардаев М. Ўрта асрларда Жиззахнинг Ўрта Осиё тарихидатутган ўрни // “Уструшона Буюк Ипак йўлида, унинг минтақаларо сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (Антик ва ўрта асрлар даврида)” мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Гулистон, 2016. – Б. 139-141.

⁴²Бердимуратов А.Э., Пардаев М.Х. Замок Кингиртепа // ИМКУ, вып.22. – Ташкент, 1988. – С. 67.

⁴³Бобоёров Ғ. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон худудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. – Ташкент, 2010. – Б. 18-40.

изланишларида бирмунча тўхталиб ўтилганини айтиб ўтиш керак. Бу борада айниқса, француз суғдшунос ва тарихчи олимлари Ф.Грэне, Э.де ла Вессьер⁴⁴, германиялик тарихчи З.Штарк⁴⁵, россиялик суғдшунос ва археолог П.Б. Лурье⁴⁶ томонидан чоп этилган илмий монография ва мақолалар диққатни жалб қилади. Улар орасида айниқса, Ф.Грэне ва Э.де ла Вессьерларнинг Панжикент суғдий ҳужжатларини тадқиқ этиш мобайнида Панч ва Уструшона алоқалари, ушбу ҳукмдорликлар орасида жойлашган Шавкат, Буттаман, Парғар мавзеларига тўхталиб ўтишган⁴⁷. Кейинги йилларда Уструшона тарихига туркиялик тадқиқотчилар ҳам эътибор қаратган бўлиб, улар орасида тарихчи ва манбашунос Ў.С. Хунқоннинг изланишлари диққатга сазовордир⁴⁸.

Диссертациянинг иккинчи боби “Уструшона Ғарбий Турк хоқонлиги таркибида” деб номланган. Ушбу бобнинг “Илк ўрта асрларда Уструшонадаги сиёсий ҳолат” номли илк параграфида сиёсий воқеликлар ёритилган. Уструшона муайян бир тарихий географик вилоят ўлароқ илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган жараёнларда ўзига хос ўрин тутди. Минтақанинг ўтроқ-деҳқон ва кўчманчи чорвадор элатлари орасидаги ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларда муҳим рол ўйнаган Уструшона VI–VIII асрларда Турк хоқонлиги (552-744), аниқроғи, унинг кунботардаги қаноти бўлмиш Ғарбий Турк хоқонлиги (568-740) қарамоғида бўлиб, ушбу хоқонликнинг икки асрга яқин бошқаруви давомида фаол сиёсий жараёнларга тортилади. Ашина турклари Олтой тоғларининг жануби-ғарбида яшаб, Жуан-жуанлар (420-465) хоқонлигига қўл остида бўлган пайтда ўз хўжайинларига қарши бош кўтариб, 552 йилда Турк хоқонлигини куради. 560- йилларнинг ўрталарида Ўрта Осиёда ҳукм сурган Эфталитлар (420-565) давлатини енгиб, унинг қўл остидаги ўлкаларда, шу жумладан, Уструшона воҳасида ўз ҳукмронлигини ўрнатади⁴⁹.

“Тан-шу” йилномасида Тукюе (Турк хоқонлиги) Мууюй-хон (Муқан хоқон; 553-572) ҳукмронлиги йилларида ғарбда Иду (Эфталит) давлатини енгиб, унинг ҳудудини эгаллагани эслатилса⁵⁰, араб тарихчиси Диноварий Сосонийлар ва турк хоқонлари Ҳайталлар (Эфталитлар) давлатини тор-мор қилиб, унинг қўл остидаги ўлкаларни ўзаро бўлиб олишгани, турклар Чоч, Фарғона, Суғд ва Бухорони қўлга киритгани, Сосонийлар эса Тўхористон (Чағониён, Термиз ва б.), Кобулистонни ўзига олганини қайд этган бўлиб⁵¹,

⁴⁴Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8. – Kamakura 2002. – P. 155–196; Vaissière E. de la. Sogdian traders: a history. Translated by J. Ward. (Handbook of Oriental studies = Handbuch der Orientalistik. Section eight, Central Asia; v. 10). – Leiden – Boston: Brill, 2005.

⁴⁵Stark S. Die Altürkenzeit in Mittel- und Zentralasien. Archäologische und historische Studien. – Wiesbaden, 2008.

⁴⁶Lurje P. Personal names in Sogdian texts in Iranisches Personennamenbuch 2. Mitteliranische Personennamen 8. – Wien: Verlag der Österreichischen Akademie der Wissenschaften, 2010. – P. 3, 10, 49, 51, 56, 76, 103, 127, 130.

⁴⁷Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent ..., p. 155–196.

⁴⁸Hunkan S. Türk Hakanlığı (Karahanlılar). 2. Baskı. – İstanbul. – S. 106.

⁴⁹Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М. - Л.: Изд. АН СССР. – том I. – 1950. – С. 229.

⁵⁰Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений ..., I, с. 229.

⁵¹Chavannes E. Documents sur les..., p. 229; Shaban M. A. Khurasan at the Time of Arab Conquest//Iran and Islam. In memory of the Late Vladimir Minorsky. Edinburg, 1971. – P. 482-483.

кўринишидан ён кўшнилари каби Уструшона ҳам ўша воқеликлар пайтида хоқонлик таркибига ўтган. Уструшонанинг Фарбий Турк хоқонлигига тўғридан-тўғри бўйсунуши борасидаги илк ёзма маълумот хитой манбаларида учраб, 629 йилда воҳа орқали Суғдга ўтган роҳиб Сюан Цзан (629-645) ўз эсдаликларида шундай ёзади: “*Сутулисена (Уструшона) ... Ўз бошқарувчиси бор, Ту-кюе (Турк хоқонлиги)га бўйсунди*”⁵². Ушбу сатрлардан 630- йиллар атрофида воҳада маҳаллий сулола бошқаруви давом этаётгани, хоқонлик эса улар орқали бу ердан ўлпон олиб тургани пайкалади. “Шарқий Цао” – Уструшона бўлиб, “Фарбий Цао” – Иштихон ҳукмдорлигини бошқарув маркази *Сидихин* (Иштихон) шаҳри ва “Ўрта Цао” – Кабудон ҳукмдорлигининг эса бошқарув маркази *Гадичжен* шаҳри бўлган⁵³. Ўрта Цао ҳукмдорлигидан кунботарда жойлашган Шарқий Цао (Иштихон), Ўрта Цао, яъни Кабудон ҳукмдорлиги эса Кан (Самарқанд)дан шимолда жойлашиб, Шарқий Цао – Уструшонанинг жанубий кўшниси бўлган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи “*Фарбий Турк хоқонлигининг Уструшонадаги бошқаруви ва Афшинлар сулоласи*” воҳанинг сиёсий-маъмурий ҳолати тадқиқ этилган. Уструшона ҳукмдорлиги ўрта асрларда бир қанча рустоқларга бўлинган бўлиб, бу рустоқларнинг ёзма манбаларда келтирилган номлари асосида уларнинг сонини 18 та бўлган, деб тахмин қилинади. Ёқут ал-Ҳамавийнинг “Муъжам ул-булдон” асарида эслатилган Уструшона бир қанча шаҳар ва қишлоқларни ўз ичига олувчи рустоқ деб аталмиш маъмурий тузилмалардан ташкил топган. Улар тоғ ва текисликда жойлашган рустоқларига бўлинган. Уструшона рустоқларидан 9 таси асосан, текисликда жойлашган Бунжикант, Сабат, Зомин, Фағнон, Бурнамад, Харакана, Ховос, Шавкат, Фағкат (Вағкат) рустоқлари бўлиб, уларнинг ҳар бирида бир қанча шаҳарлар (рустоқ марказларини ҳам кўшиб ҳисоблаганда) ва қишлоқ манзилгоҳлари бўлган. Қолган 9 таси тоғ рустоқлари: Минк, Асбаникант, Бискар, Бангам, Вақр, Шагар, Масча, Буттам ва Бурғар бўлиб, улардан фақат Минк рустоқи ҳудудида бир қанча шаҳарлар бўлиб, қолганларида, асосан, кўплаб қишлоқ манзилгоҳлари жойлашгандир. Ўрта аср муаррихлари Уструшонани “400 қалъали ўлка” сифатида тилга оладилар⁵⁴.

Уструшонанинг сиёсий-маъмурий жиҳатдан ўзига хос тизимга эга бўлган. Истахрий Уструшонанинг тарихий-географик жойлашув ўрни ҳақида шундай ёзади: “*Уструшона – Суғд каби, вилоят номи. У ерда (Уструшонада) бу номдаги на шаҳар ва на қишлоқ бор ... Унинг ғарбий томони Самарқанд чегаралари, шимоли Шош ва Фаргонанинг бир қисми, жанубда эса Кеш, Сағониён, Шуман, Вашжирд ва Раит, шарқий томони Фаргонанинг баъзи чегаралари билан туташган*”⁵⁵. Демак, Уструшонанинг жануби-ғарби ва жануби-шарқи анча кенгайган бўлиб, бу йўналишдаги чегаралари Суғд воҳасидаги Самарқанд ва Кеш атрофлари ҳамда Тўхористон ўлкасининг

⁵²Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan ..., s. 125.

⁵³Бичурин Н. Я. Собрание сведений..., II, с. 312-313.

⁵⁴Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннесредневековье. – Сталинабад, 1957. – С. 243.

⁵⁵Материалы по истории киргиз и Киргизии. Вып. I. – М.: Наука, 1973. – С. 18-26.

шимолий вилоятлари – Чағониён (Денов), Шуман (Душанбе) ва унинг теғрасидаги вилоятлар билан тутшиб кетган.

Қадимги Уструшона ҳудудида олиб борилган археологик изланишлар натижасида қалъа қолдиқлари аниқланган. Бу қалъалар ҳудуддаги кўплаб мўъжаз воҳаларлар (микрооазис) негизида ташкил топган рустоқларни ҳимоя қилиш мақсадида, стратегик жиҳатдан қулай бўлган нуқталарга қурилиб, ўзига хос мустаҳкам ҳарбий-мудофаа тизимини ташкил этган. Бу қалъа ва кўрғонларнинг асосий қисми илк ўрта асрларга оиддир⁵⁶. Деярли барча араб-форс манбаларида Бунжикат (Шаҳристон / Масчо - Ўратепа атрофи) шаҳри Уструшонанинг йирик сиёсий ва маъмурий маркази сифатида кўрсатиб ўтилади. Ибн Хавқал бу ҳақда шундай ёзади: «*Бу вилоятнинг энг катта шаҳари уструсоналиклар тилида – Бунжикат дейилади.... Мамлакат ҳукмдори, эркак аҳолиси тахминан 10000 кишини ташкил қилувчи, Бунжикат шаҳрида яшаган*»⁵⁷.

Ўзма манбаларда келтирилган ушбу сиёсий ва маъмурий марказлар ҳақидаги маълумотлар археологик қазинмаларда қўлга киритилган топилмалар орқали янада ўз тасдиғини топди. Археологик изланишлар натижасида илк ўрта асрлардаги Уструшона воҳасида Бунжикат (Шаҳристон), Дизак (Жиззах), Зомин, Минк (Миқ) каби шаҳар ва йирик аҳоли масканларининг ўша даврда сиёсий-маъмурий марказлар бўлгани аниқланди.

Уструшонанинг илк ўрта асрлар сиёсий тарихи В.В. Бартольд, Н.Н.Негматов, О.И. Смирнова, К.Босворс, В.А. Лившицлар томонидан нисбатан чуқурроқ ўрганилган⁵⁸. VII–VIII асрлар биринчи чорагида ўлкани бошқарган ҳукмдорлар тўғрисида фақатгина тангалар орқали хабардор бўлиш мумкин. Уларда ўрин олган *сурδμυς MR'Y, rx'nc MR'Y, stcry MR'Y* исмлари ҳалигача бирор ўзма манбада учратилмади. В.А. Лившиц ушбу тангалардаги оромийча *MR'Y* идеограммасини суғдийча *xutāw* ёки *xuvi / xiv* билан тенглаштирса⁵⁹, бошқа бир қатор тадқиқотчилар уни “афшин” унвони билан солиштирадilar⁶⁰. Уструшона тангаларида фақат юқорида келтирилган учта ҳукмдор исми учрайди. *сурδμυς* исмини М.Н. Боголюбов *сурδμυς* шаклида ўқишни таклиф қилиб, бу сўзнинг этимологиясини қадимги эронийча **Сурда-миθρα* “Митрадан пайдо бўлган” мазмунидаги иборадан кидиради⁶¹. Иккинчи исм - *rx'nc* ёки *ry'nc* атамасини О.И. Смирнова “хизмат кўрсатган, етук, ҳурматли киши” маъноларидаги қадимги ҳиндча *arhant* сўзи билан солиштиради⁶². Айрим Уструшона тангаларида *stcry* атамаси учраб,

⁵⁶ Сверчков Л.М. К вопросу о взаимоотношениях ихшидов Согда и афшинов Уструшаны // Культура древнего и средневекового Самарканда и исторические связи Согда. –Ташкент, 1990. –С. 89-91.

⁵⁷Бетгер Е.К.. Извлечение из книг “Пути и страны” Абу-л Касима ибн Хаукаля // Труды САГУ. Вып. СХI. – Ташкент, 1957. – С. 20-21.

⁵⁸ Бартольд В. В. Статьи из “Энциклопедии Ислама” / Сочинения. Т. II. Ч. 2. – М.: Наука, 1964. – С. 497; Negmatov N.N. Ustrushana, Ferghana, Chach and Pak // ННСА, vol. III. – Paris, 1996. – P. 259-280; Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет ..., с. 324-335.

⁵⁹ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика ..., с. 288.

⁶⁰Смирнова О.И. Очерки из истории Согда ..., с. 54-56.

⁶¹Смирнова О.И. Первые монеты из Уструшаны // ЭВ. XX. – Л., 1971. – С. 60-61; Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика ... С. 288.

⁶²Смирнова О.И. Первые монеты из Уструшаны ..., с. 61.

О.И. Смирнованинг фикрича, у “устоз, муаллим”, “яхши устоз” маъносидаги санскритча *sadācāriya* сўзига алоқадордир⁶³. VII аср охирлари – VIII аср бошларига келиб Уструшонада янги сулола пайдо бўлади. Араб ва форс манбаларида бу сулола вакилларининг исми бирмунча сақланиб қолган. Арабча ёзма манбаларда Уструшона афшинларидан куйидагилари бўйича маълумотлар учрайди:

1) Қора-бўғра, 2) Қора-чўр, 3) Ковус, 4) Ҳайдар, 5) Ҳасан.

